

## ИЖТИМОЙ ДАВЛАТДА ХОДИМНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИ

Холматов Ғайратжон Мухторалиевич

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар Академияси катта ўқитувчиси

Наманган мухандислик-технология

институти эркин тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақола жамият тараққиётида ходимларнинг касбий маданиятининг ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлари фалсафий таҳлилига бағишилаган. Шу билан бирга демократик янгилиниш шароитида жамоат тартибини саклаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳалқчил ички иш хизматининг мазмун моҳияти ёритилган.

**Калит сўзлар.** Касбий маданият, жамият ривожида касбий фаолият, ички ишлар ходими касбий ва сиёсий маданияти.

**Аннотация.** Статья посвящена философскому анализу социально-правовых и политических аспектов профессиональной культуры работников в развитии общества. При этом в условиях демократического обновления выделено содержание национальной службы внутренних дел в поддержании общественного порядка и обеспечении безопасности граждан.

**Ключевые слова.** Профессиональная культура, профессиональная деятельность в развитии общества, профессиональная и политическая культура сотрудника внутренних дел.

**Annotation.** The article is devoted to the philosophical analysis of the socio-legal and political aspects of the professional culture of workers in the development of society. At the same time, in the context of democratic renewal, the content of the national internal affairs service in maintaining public order and ensuring the safety of citizens is highlighted.

**Keywords.** Professional culture, professional activities in the development of society, professional and political culture of an internal affairs officer.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий давлат қурилиши "Инсон манфаатларининг олий қадрият"га айланиши қонунийликни таъминлаш билан бирга давлат хизматчиларининг фаолиятида юксак касбий маданиятни тақозо этади. Чунки, антик даврдан бошлаб ижтимоий тараққиётнинг муҳим

омили ҳар бир соҳа вакилининг ўз касбини юксак савиядада ижроси учун ахолига хизмат кўрсатишда касбий қасамёдлар қабул қилганлар. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасининг вакилларига хос касбий фазилат ва одоблар алоҳида эътиборга олинган [4; 5]. Натижада, фуқаролар орасида касбий фаолият ўзига хос ахлоқий тамойил ва талабларни ишлаб чиқкан. Шу билан бирга, касбий маданиятда турли касбларнинг фаолият доираси мақомига мос белгиланса-да, лекин ички ишлар тизими ходимларининг касбий маданияти ўзга касбларга нисбатан ўзига хос жиҳат ва хусусиятлар касб этилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги жамиятнинг барча соҳаларида "халқнинг розилиги" тамойилида фуқароларнинг манфаатларининг устуворлиги, уларнинг ижтимоий мақоми ва фаолиятига муносабатни умуминсоний тамойиллар даражасида таъминланиши билан изоҳланади. Шу маънода ахолига юксак ижтимоий ҳуқуқий давлатда фуқаролик муносабати ислоҳининг биринчи босқичида 13 қонун, Ўзбекистон Президентининг 9 та фармони, 40 та қарори, 3 фармойиши, 115 та ҳукумат қарорлари, 167 та идоралараро меъёрий актлар қабул қилинди [3; 7]. Ички ишлар ходимлари "фуқаро – қонунийлик ва инсон манфаати" принципи бўйича тизимли ва узвий фаолияти ташкил этилмоқда. Соҳада ходимларнинг касбий маданияти халқчиллик фаолиятини 2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича ҳукумат дастурини қабул қилиниши билан ҳам далиллаш мумкин. Жумладан, соҳа ходимининг касбий фаолияти қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- нотинчлик ва зўравонликнинг болалар тарбиясидаги салбий оқибатлари ҳақида маълумот етказиш ва уларнинг олдини олиш;

- олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ўқув курсларини ташкил этиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига имтиёзлар ва моддий ёрдам бериш масалалари бўйича ахборот-тарғибот ишлари ва бошқалар;

Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чоратадбирлар:

- "Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги", "Коррупцияга қарши курашиш ойлиги" ва "Конституциявий ҳуқуқ ойлиги"ни ўтказиш;

- ҳуқуқий саводхонликка оид минимал талаблар бўйича ўқитиш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини баҳолаш” кабиларни назарда тутади [1].

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-сиёсий маданияти ўз моҳиятига кўра бир қатор ижтимоий онг шаклларини синкретлаштирган ҳодисадир. Зоро, ўзбек ҳалқининг миллий менталитетида ҳуқуқий маданият ахлоқ ва диннинг устуворлигида сиёсат, нафосат, илм-фан каби соҳаларни уйғун ҳолда мужассамлаштирган. Масаланинг иккинчи томони ички ишлар тизими ходимларининг фаолиятини “маҳаллабай”, “фуқаробай” ишининг ташкили ходимнинг касбий-сиёсий маданияти ҳар бир ҳудуднинг объектив ва субъектов омилларини қонунийлик асосида ҳал қилишни талаб этади. Бу ҳол

а) маҳалланинг ҳар бир фуқаросига ҳуқуқий маслаҳат ва мобил ёрдам, хотин-қизларга оила ва никоҳда ҳуқуқий кўмак лойиҳасини шакллантириш; б) ҳудуддаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оила ва фуқароларга меҳнат ва фуқаролик шартномавий асосда бандликка кўмак бериш; в) фуқаролар, гуруҳлар ва уюшма ва бирлашмаларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларни оператив равишда тенглик ва эркинликлар тамойилида ҳал этиш кафолати; г)

ходим фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда АҚТни қўллаган ҳолда инновацион усувларда қўллш касбий фаолиятида меъёрга айланиши; д)

ходим ўзига бириклирилган ҳудудда маҳсус таълим тизими ёшлигининг ҳуқуқий тарғибот ва ташқиотига суд-ҳуқуқ тизими вакиллари иштирокида маънавий-ҳуқуқий суҳбат, савол-жавоб кечалари, сайёр судларни ўтказиш ташаббуслари; е) ходимлар ахоли тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, товар ишлаб чиқариш, унинг экспортида амалий ёрдам бериш; ё) ҳудуднинг АҚТ (камера ва видео) билан жиҳозланиши, ҳар бир воқеа ва ҳодисани тезкор аниқлаш ва ахборот таъминотини шакллантириш кабиларни янгиланаётган жамиятда ходим касбий маданиятининг ажralmas қисмига айлантирди.

Ички ишлар идора ходимларининг касбий-сиёсий маданияти муаммосининг ўзига хослиги ҳарбийлик илиа фуқаролик ахлоқини уйғунилиги билан хусусийликдир. Чунки, ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳам ички ишлар хизмати ўз вазифасини мамлакат ичкарисида ахоли билан боғлиқ ижтимоий хавфсизлик масалаларини тартибга солишда давом эттиради. Жамиятда демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эрки,

фуқароларнинг манфаатларининг муҳофазаси ички ишлар ходимининг касбий маданиятини намойиш этади. Эътироф этиш лозимки, соҳа вакилларининг касбий-сиёсий маданияти ижтимоий тузум, бошқарув режими, ҳалқнинг миллий-диний жиҳат ва хусусиятларини ўзида ифода этиши илмий тадқиқотларда тасдиқланган [2, 36 б]. Шу билан бирга касбий-сиёсий маданияти англашда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг тадрижийлик тамойилида ҳал қилиб борилади. Мамлакатимизда аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасидаги муаммолар ҳуқуқий ижтимоий давлат қуришда ислоҳотлар жамиятнинг сиёсий фаоллашуви одамларнинг ислоҳотларга қизиқиши ички ишлар хизмати ходимини “полиция” атамасини қўллашга имкон беради. Чунки, “милиция” атамасидан воз кечилса-да, лекин янги атамани қўллашдан тийилиш кузатилмоқда.

Ички ишлар идоралари ходимларнинг касбий-сиёсий маданияти жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда ходимнинг ўзининг хизмат макоми ва функцияларини қай даражада амалга ошириш салоҳияти билан белгиланади. Соҳада сиёсий билим, сиёсий маданият юқори бўлмаган шахс якка пикет, гуруҳли намойиш, блогернинг ахборот олиш ҳуқуқи каби муаммоларда амалдаги қонун ва инсон ҳуқуқи муҳофазасининг ижтимоий заруриятини ҳисобга олиш даркор. Ходимнинг касбий-сиёсий маданияти тушунчаси ўз моҳиятига кўра соф ҳуқуқ соҳасидан ташқари маънавий-ахлоқийлик билан бирга ходимнинг ўз вазифасини янги кодексда белгиланган меъёрларда қатъий тартиб-интизоми, шахсий масъулият, бурчга садокат жамиятда чинакам ҳалқчил милиция ходимининг обрў-эътиборини қозониш жамият ҳуқуқий ҳаётининг барча соҳаларида ахолига даҳлдор ходим ҳулқ-атворини ҳосил қилиш, деб ўйлаймиз. Шу маънода ходимнинг фаолияти давлат ва шахс муносабатларини намойиш этиши билан сиёсий хусусият касб этишида биз тадқиқотчиларнинг “инсоннинг сиёсий тарихий тажрибалари асосидаги сиёсий тизим, сиёсий воқелик, сиёсат, қонунлар ва унинг амал қилиш қоидалари ҳақидаги тасаввурлари, шахснинг фикрлаш, воқелик ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиш ҳамда тизимли дунёқараш ҳосил қилиши асоси. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг муайян сиёсий тизимда мақсадли ҳаракат қилишининг заминидир” деган таърифи бахсли бўлса-да қўшиламиз [8, 58 б].

Ички ишлар идоралари тизимидағи ислоҳотлар профессионал халқчил фаолиятни таъминлаши билан бирга ички ишлар идоралари демократик нормаларда қонунийлик ва инсонпарварлик тамойиллариға қатый риоя этишига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Биз ходимларнинг касбий полиция хизматини амалга ошириш қобилиятини шакллантириш борасида амалга оширилгагётган ўзгаришлар халқчиллик тамойилларида ходимларнинг касбий позициясига ижобий таъсир ўтказмай қолмайди, деб ўйлаймиз. Шу боисдан, ички ишлар ходими касбий маданиятининг илмий тадқиқида яна бир муҳим хусусият, ижтимоий ҳаётнинг сиёсийлашуви, аҳолининг ижтимоийлашуви, ањана ва урф-одатлар, диний қарашлардаги, қадриятлар нормаларининг девальвацияси ҳам сиёсий маданиятни тадқиқ қилиш заруратини көлтириб чиқаради. Бу масалада касбий-сиёсий маданиятни шакллантиришда назарий методологик муаммолариға эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрларни қўллаб қувватлаймиз [6, 5 б].

Ходим жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат макомида ўз функциясини тўла бажариши харбий табель қуроли, техника воситалари ахборот саклаш ва таркатиш асбоб-ускуналаридан унумли фойдаланиши, давлат ва хизмати билан боғлиқ маълумотларни хушёр сақлаши, хизматдошлар билан ҳамкорлика тайёр бўлиш кабилардир. Айниқса унвони ва гувохномасига ишониб ҳамкасбларини ранжитмаслиги камтарона феъл-атвори билан касбий малака кўнилмаларини мунтазам такомиллаштириш таърифини таклиф этамиз. Касбий маданиятининг муҳим жихати ходимнинг бошлиқ билан муносабати бўлиб, бошлиқнинг буйрукларини хизмат бўйича тўла васўзиз бажариши субординация ва координация бўлиши мумкин. Янги қабул қилинган Ички ишлар ходимининг касбий маданиятини ходимларда шакллантириш ижтимоий давлат қурилиши билан бирга соҳани жамоатчилик билан ҳамкорлигига янги даврни бошлайди. Бу эса соҳа ходимларнинг касбий маданиятида юксак ахлоқийлик билан тизимнинг халқчиллик тамойилида саоқат билан фаолиятини таъминлайди.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳукумат карори//  
<https://pravacheloveka.uz/uz/news/jamiyatda-huquqiy-madaniyatni-yuksaltirish>

2. Зиёдullaев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академия. 2018. – Б. 36.
3. Мирзиёев Ш. М. Унвон, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди// Халқ сўзи. –2017. – 7 декабрь
4. Mirzahmedov A. M. The Role of Teacher In The Education // The Ameriran jornal Sotsial sciense. – 2021. –№ 1. – Р. 385-395
5. Мирзахмедов А. М. Проблемы профессионального статуса педагога // Глобус. – 2021. –Т.7. –№ 3. – С. 31-36.
6. Сатторов А. Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти -Т.: 2007. –130 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон асосидаги “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва интизоми ҳақида” Кодекс // [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
8. Қодиров Э.О. Ёшлиар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш – модернизациянинг мухим омили // Ўзбекистон Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари Ахборотномаси. –Тошкент, – 2014. – № 2. – Б. 58-60